


O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMİYASI
УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

Ӯзбек
тили
ва
адабиётли

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ



2
2005

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TIL VA ADABIYOT INSTITUTI

АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ
ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ



Ўзбек тили ва адабиёти

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Журналга 1958 йил январда
Ойбек асос солган

Бир йилда олти марта чиқади

2
2005



Тошкент

Ўзбекистон Республикаси ФА

«Фан» нашриёти

2005

Бош муҳаррир:

Тўра МИРЗАЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Абдурашид АБДУҒАФУРОВ,

Эркин АЪЗАМОВ,

Баҳром БАФОЕВ,

Эрнест БЕГМАТОВ,

Маматқул ЖҮРАЕВ,

Наим КАРИМОВ,

Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ,

Неъмат МАҲҚАМОВ (*бош муҳаррир ўринбосари*),

Низомиддин МАҲМУДОВ,

Бахтиёр НАЗАРОВ (*бош муҳаррир ўринбосари*),

Абдулла ОРИПОВ,

Эргаш ОЧИЛОВ (*масъул котиб*),

Нұймон РАҲИМЖНОВ,

Баҳодир САРИМСОҚОВ,

Эргаш УМАРОВ,

Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ,

Шоназар ШОАБДУРАҲМОНОВ,

Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ,

Азим ҲОЖИЕВ

сўзлар (олдин, кейин), морфологик воситалар (-да, -дан) каби турли сатҳ бирликлари билан ифодаланиши мумкин. Айни бир маънени (вазифани) ифодалаш учун хизмат қиласиган турли сатҳ бирликларидан иборат бўлган тўпламларга нисбатан лисоний майдон тушунчаси беҳад зарурдир. Бу йўналишдаги изланнишлар тилшунослиқда энди бошланганилиги сабабли бундай майдоннинг тизимиий қурилиши қандай деган саволга биз ҳали аниқ жавоб беролмаймиз.

Тилнинг турли сатҳ бирликлари билан ифодаланадиган маъноларидан бири әгалик-қарашлилик семасидир. Қуйидаги қаторларни қиёсласак, улар ўхшаш бир маъно билан боғланганилигини сезиш қийин эмас:

1. Китобим
2. Менинг китобим – менинг китоб
3. Китоб менингдир
4. Китоб менини
5. Китоб менга қарашли. Китобнинг эгаси мен.

Бу сирада 1-қаторда әгалик-қарашлилик маъноси соф морфологик, 2,3,4-қаторларда морфологик-синтактик, 5-қаторда лексик-семантик усул билан ифодаланган. Демак, ўзбек тилшунослигида әгалик-қарашлилик лисоний майдони таркиби уч қисмдан: а) соф морфологик воситалар; б) морфологик-синтактик воситалар; в) лексик воситалардан иборат бўлиши мумкин экан.

Бу таркибий қисмлардан ҳар бири ўзига хос тизимчаларни ташкил этиши шубҳасиз. Чунки ҳар бир сатҳ бирликлари орасида тизимиий муносабатлар мавжудлиги ҳозирги тилшунослик учун исбот талаб қилинмас ҳақиқат. Лекин бир хил маъно (вазифа) ифода этадиган турли сатҳ бирликлари орасида қандай алоқадорликлар мавжуд? Бу тилшунослиқда тадқиқи энди бошланётган масала ва уни чуқур ўрганиш талаб этилади. Әгалик-қарашлилик лисоний майдони шундай диққатталаб ҳодисалардан бири.

МАНЗАР АБДУЛХАЙРОВ

«МУҲОКАМАТ УЛ-ЛУГАТАЙН»ДАГИ АЙРИМ СЎЗЛАР ЛЕКСИКАСИ

«Муҳокамат ул-лугатайн» (МЛ) ҳақида тилшунос олимлар бир қанча тадқиқот ишлари яратганлар. Аммо асар тилидаги лексик бирликларни «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати» (АНАТИЛ)¹ га ҳамда «Муҳокамат ул-лугатайн» юзасидан амалга оширилган айрим тадқиқот ишларига чогиширилганда, кўплаб сўзлар у тадқиқот ишларida қайд этилмаганилиги, шунингдек, бу хилдаги сўзларнинг лексик хусусиятлари ўрганилмаганилиги маълум бўлади. Албатта, Алишер

¹ Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати. 4 томлик. Тошкент, 1983—1985.

Навоий асарлари учун тарихда ўнлаб лугатлар тузилган. XX асрда ҳам бу иш маълум маънода давом этган. Жумладан, «Лугати Амир Навоий», «Дар баёни лугати Навоий». «Ҳалли лугати «Хамса»йи Навоий», «Ҳалли лугати чигатои «Хамса»йи Навоий», «Абушқа», «Санглоҳ» ҳамда Порсо Шамсиев, Собиржон Иброҳимовлар томонидан тузилган «Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача лугат» (1953) ва яна шу муаллифлар томонидан тузилган «Алишер Навоий асарлари лугати» (1972) каби. Демак, МЛ тилидаги янги аниқланган сўзларнинг айримлари АНАТИЛда акс этмаган бўлса-да, мазкур лугатларда қайд этилган бўлиши мумкин. Бироқ бу ҳол онда-сонда учрайди. Қолаверса, йирик туркийшунос олимлар кўмагида катта олимлар жамоаси томонидан узоқ йиллар мобайнида тузилган АНАТИЛ ушбу лугатларга нисбатан мукаммалроги ҳисобланади. Шу жиҳатдан, МЛ тилидаги янги аниқланган сўзлар асосан АНАТИЛга қиёсланди ва ўрин билан тил тарихи юзасидан амалга оширилган лексик тадқиқот ишларига солиштирилди. Асар тилидаги янги аниқланган сўзларни қўйидаги мавзуй гуруҳларга ажратиб таснифлаш мумкин:

1. Қариндош-уругчилик ва улар билан bogliq тушунчаларни ифодаловчи сўзлар: абога (МЛ, 20).
2. Ҳайвон номлари: мегажин (МЛ, 20), гуроз (МЛ, 20).
3. Уй (чодир) жиҳозлари ва у билан bogliq тушунчаларни ифодаловчи сўзлар: кўзанак (МЛ, 20), уувг (МЛ, 20).
4. Инсоннинг иш фаолиятини ифодаловчи феъллар: кундалатмак (МЛ, 13), суқадамак (МЛ, 13), чупрутмоқ (МЛ, 13), киркинмак (МЛ, 13).
5. Баъзи феъллар: исқармоқ (МЛ, 12), кўруксамак (МЛ, 130), қиқзанмоқ (МЛ, 13), ядамоқ (МЛ, 13) сижилмоқ (МЛ, 22).

Феъл туркумига оид бу сўзларнинг айримлари «Муҳокамат ул-лугатайн»дан бошқа асарларда қўлланилмаган². Улар АНАТИЛда ҳам қайд этилмаган. Ҳолбуки, Алишер Навоий туркий сўзлар билан бир қаторда, арабий, форсий лексик бирликлардан имкон қадар маҳорат билан фойдаланган ва бу ҳол асар тилининг услубига таъсир қилмай, аксинча, МЛ бадиий ифода қатламини бойита борган. Айниқса, шоир арабий сўзларни араб тилининг флексив хусусиятларига хос тарзда турли сўз шаклларида қўллаган. Масалан, асар тилида бир ўринда қўлланилган тааммуқ сўзи матний маъносига кўра, «бир ишда юқори натижага эришиш»; «чуқур фикр юритиш» каби маъноларда қўлланилган: «Воқеан ише қилибдурки, назм аҳли анинг тааммуқида ҳайрон ва тааммулида саргардондурлар, тарсиъ санъатиким, матлаъдин ўзга байтда бўла олмас, ул қасиданинг агарчи мустахраж матлаъи ростдур, аммо асли матлаъда аввалги мисраънинг бир лафзида тахаллуф қилибдур ва матлаъ будурким» (МЛ, 31). Тааммуқ сўзининг таъмиқ шакли эса, Навоий асарла-

² Бағоев Б. Навоий назаридаги юзта феъл //Ўзбек тили ва адабиёти, 1990, 1-сон, 21-27-бетлар.

рида қўлланган³. Кўринадики, асар тилидаги бундай сўз шакларининг айримлари ҳатто, бошқа туркий манбалар ва лугатларда учрамайди. Ана шундай қиёслаш имкони бўлмаган ҳолларда янги аниқланган сўзлар асосан, матний маъносига кўра изоҳланади. Шунингдек, «Муҳокамат ул-лугатайн» асари тилида фақат бир ўринда ишлатилган дилбонг сўзи ҳам ушбу тарзда АНАТИЛ ёки бошқа тадқиқот ишларида учрамайди. Дилбонг сўзи асар тилида «дил ноласи», «дил фарёди», «дил садоси» маъноларида қўлланилган:

Ки то бўлгай жаҳон боги – бу гулшан мевазор ўлсун,
Ҳаримида бу булбулларга бу дилбонг бор ўлсун (М.Л,10).

Баъзи сўзлар нафақат АНАТИЛда, балки ундан олдинги мумтоз лугат манбаларда ҳам эътироф этилмаган. Масалан, тез-фаҳмроқ – зийракроқ, нуктадонроқ; латоифасор – қимматли; маорифнигор – буюқ; мегажин – ёввойи чўчқанинг модаси, ургочиси; абога – ота-онанинг ога-иниси каби сўзлар «Хамса» бо ҳалли лугат»да, шунингдек, шоир асарларидағи яна айrim сўзлар «Лугати Амир Навоий», «Дар баёни лугати Навоий», «Ҳалли лугати «Хамса»и Навоий», «Ҳалли лугати чигатоий «Хамса»и Навоий», «Луготи атрокия» каби мумтоз қомусий манбаларда ҳам акс этмаган⁴.

Шундай қилиб, «Муҳокамат ул-лугатайн» асари тилидаги маъноси очилмаган, «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати»да қайд этилмаган сўзларни лексик-семантик жиҳатдан таҳлил қилиши ҳозирги ўзбек тили ва адабиётининг келажакдаги равнақи, истиқболи учун муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, Алишер Навоийнинг сўз қўллаш маҳорати ва умумий тилшуносликка доир илгор фикрларини ўрганишга ҳам имконият яратади.

³ Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати. З-жилд. Тошкент, 1983–1985, 208-бет.

⁴ Ушбу лугатлар ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўллэзмалар хазинасида 7863, 9954, 6803, 3324, 5197 инвентарь рақамлар билан сақланади.